



# Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 16 май, № 99 (9270)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ВА БИРДАМЛИК ТУРКИЙ ДУНЁНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ИЛҒОР ЕЧИМЛАР МАКОНИГА АЙЛАНТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 15 май куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

ТУРКИ МЕМЛЕКЕТТЕРИ  
ЎЙИМИНЫҢ  
БЕЙРЕСМИ САММИТИ  
15 мамыр 2026, Түркістан



INFORMAL SUMMIT  
OF THE ORGANIZATION  
OF TURKIC STATES  
15 May 2026, Turkistan



Ташриф доирасида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан биргаликда Туркистон шаҳрида Ўзбекистон томонидан бунёд этилган масжид билан танишдилар.

Мажмуанинг умумий майдони 7 гектардан зиёд ташкил этади, унда 5 мингдан ортқ кишилар намоз ўқиши мумкин. Муҳташам ансамбль тўртта 70 метрлик минора ҳамда асосий зал ва аънавий айвонларни ўз ичига олган уч қаватли бош бинодан иборат.

Исломи ва Шарқ меъморчилигининг энг яхши аънаваларига мувофиқ барпо этилган жоме масжидида миллий нақшлар, шарқона гум-базлар, баланд миноралар ҳамда замонавий қурилиш технологиялари уйғун қиёфа касб этган. Масжиднинг ички безагида ислом хатотлиги ва

нақшошлик санъати намуналаридан кенг фойдаланилган.

Атрофдаги 4,2 гектар майдонни ободонлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда яшил май-донлар, йўлақлар, дам олиш жойлари, ёритиш тизимлари, манзарали қурилмалар ва фавворалар барпо этилмоқда.

Ўзбекистон томонидан қардош Қозоғистон халқи ҳамда Туркистон аҳолисига туҳфа сифатида қуриб битказилган ушбу муҳташам мажмуа икки давлат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва маданий яқинлик, яхши кўшничлик ҳамда иттифоқчилик муносабатларининг ёрқин ифодаси бўлгани таъкидланди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, қардош халқларимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб, дуо ўқилди.

Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаровнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Самимий мулоқотда Ўзбекистон — Қирғизистон дўстлик, яхши кўшничлик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажми жадал ўсиб, саноат, қишлоқ, сув хўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда кооперация лойиҳалари илгари суриллаётгани мамнуният билан қайд этилди. Маданий-гуманитар алмашинувлар кенгайиб бормоқда.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари, энергетика ва транспорт соҳаларидаги йирик минтақавий лойиҳалар-

ни, шу жумладан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини жадаллаштириш чоралари муҳокама қилинди.

Шунингдек, етакчилар минтақавий кўп тартибининг муҳим жиҳатлари юзасидан фикр алмашди ва бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан ҳам учрашув ўтказди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбарининг жорий йил январь ойида Анкарага расмий ташрифи Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янги, янада юқори босқичга олиб чиққани таъкидланди.

Олий даражада эришилган муҳим келишувлар ижроси юзасидан фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани, вазирлик ва идоралар ўртасида янги тизим яратилгани натижасида кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари самарали ривожланаётгани қайд этилди.

Жорий йил бошидан буён Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар, мамлакатлар ўртасидаги авиақатновларнинг сони жадал ўсиб бормоқда. Турк компаниялари иштирокида салмоқли лойиҳалар портфели шакллантирилиб, ишлар изчил амалга ошириляпти.

Ўзбекистон ва Туркия раҳбарлари халқаро ҳамда минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мам-

лакатлар делегациялари раҳбарлари билан биргаликда Туркистон шаҳрининг тарихий-маданий марказида бўлди.

Олий мартабали меҳмонлар Марказий Осиёдаги ислом меъморчилигининг ёрқин ёдгорликларидан бири, Қозоғистоннинг бош маънавий маркази бўлган Хожа Аҳмад Яссавий макбарасини зиёрат қилдилар.

XIV аср охирида Амир Темури фармоишига биноан барпо этилган ушбу макбара бугунги кунда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига кирилган бўлиб, Марказий Осиёдаги Ўрта аср ислом меъморчилигининг энг ноёб ва муҳташам намуналаридан бири ҳисобланади. Унинг қурилиши 1389 — 1391 йилларда бошланиб, XIV аср охирига қадар давом этган. Мажмуани бунёд этишда Мовароуннахр усталари, шунингдек, бошқа худудлардан келган меъмор ва наққошлар қатнашган.

Етакчилар буюк сўйиш шоир ва мутафаккир хотирасига хурмат бажо келтирдилар.

Шунингдек, делегациялар раҳбарлари “Ҳазрат Султон” музей-қўриқхонасининг ташрифлар маркази билан танишди. Бу ерда зиёратчилар ва меҳмонларни қабул қилиш, кўргазмалар ташкил этиш ҳамда Туркистоннинг бой тарихий-маданий меросини намойиш қилиш учун замонавий шароитлар яратилган. Марказда Ўрта асрлар даврига оид ноёб меросни сақлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб этишга қаратилган доимий музей экспозицияси — “Ноёб экспонатлар зали” алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ НОРАСМИЙ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Хурматли саммит иштирокчилари! Авваламбор, қадимий ва навқирон Туркистон шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий мулоқотини ўтказиш ташаббуси, барчамизга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва аънавий меҳмондўстлик учун Қозоғистон Республикаси Президенти, хурматли Илхом Хайдарович Алиевга самарали раислиги учун самимий миннатдорлик билдираман.

Бугунги анжуман мусулмон умматининг улғу айёми — муборак Қурбон ҳайити арафасига тўғри келатганида чуқур рамзий маъно муҳасамас. Зеро, бизнинг қадимий тарихимиз, муқаддас динимиз, маданий ва маърифий илдиэлларимиз, азалий қадрият ва аънаваларимиз муштарак.

Гўзал Туркистон шаҳри Буюк Ипак йўлининг муҳим савдо ва маданият маркази ҳисобланган. Мазкур заминда улғу аждодимиз Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари мангу ором топган. Бу табаррук кент биз учун, аввало, халқларимиз бирлиги ва ҳамжиҳатлигининг ёрқин тимсолидир.

Хурматли Президент Қосим-Жомарт Кемелевичнинг халқимизнинг қардош Қозоғистон элига дўстлик туҳфаси сифатида барпо этилган муҳташам жоме масжиди ҳақида хозир билдирган самимий фикрлари учун раҳмат айтмоқчиман.

Қозоғистон раҳбариятининг Туркистоннинг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган улкан бунёдкорлик ишлари ушбу кўркам масканни қардош халқларимизнинг умумий маънавий марказларидан бирига айлантириши шубҳасиз.

Хурматли саммит иштирокчилари! Бугунги учрашувимиз жаҳонда тур-

ли зиддиятлар тобора авж олаётган даврга тўғри келмоқда. Халқаро муносабатларда ишонч тақчиллиги янада кучайиб, глобал институтларнинг ўрни ва таъсири борган сари заифлашмоқда. Бу муаммолар биздан ўзаро мулоқотларни фаоллаштириб, муҳим масалалар бўйича уйғун позицияларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Туркий дунёнинг интеграцияси бу халқларимиз тақдирига бевосита дахлдор бўлган узоқ муддатли стратегик масаладир.

Сўнгги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти барқарор ривожланиш суръатларини намойиш этаётган нуфузли тузилмага айланди. Масалан, 2025 йилда давлатларимизнинг умумий иқтисодий салоҳияти 2,4 триллион доллардан ошди ва унинг динамикаси глобал ўсишдан икки баробар юқори (6,8 фоиз) бўлди.

Ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг Ташкилот мамлакатлари билан савдо айланими 14 фоизга ўсди (11 миллиард доллар). Жорий йилда Туркий инвестиция жамғармаси операция фаолиятини бошлади, Марказий банклар кенгаши, Яшил молиялаштириш бўйича Туркий кенгаши иш йўлга қўйилди.

Буларнинг барчаси Ташкилотимизнинг институционал жиҳатдан тобора мустақамлашиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Қадри дўстлар! Кадри дўстлар!

Бугунги саммитнинг сунъий интелект ва рақамли ривожланиш мавзусига бағишлангани бежиз эмас. Улқаларимизда яшаб, ижод қилган улғу боболаримиз — Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек алгоритм, математика, астрономия ва физика фанлари равақига беқиёс хисса қўшиб, шу тариха ҳозирги сунъий интелект ривожини учун асос яратганлар.

Биз аждодларимизнинг ана шундай бебаҳо меросига таяниб, бугун Туркий дунёнинг янги рақамли тараққиёт даврини барпо этапмиз. Бу йўналишда ҳамкорликни ривожлантириш учун бир қатор ташаббусларни илгари суракмоқчиман.

**Биринчидан**, Ташкилотимиз доирасида сунъий интелект соҳасида стратегик ҳамкорлик тармоғини шакллантириш — бугунги давр талаби.

Мазкур самарали механизм орқали биз иқтисодий ўсишнинг янги нуқталарини белгилаш, булуғли ва квант ҳисоблаш технологияларини ривожлантириш, очиқ ва замонавий ягона рақамли маконни яратиш имконига эга бўламиз.

Ўзбекистон сўнгги йилларда хорижий инвесторлар билан дата марказлар яратишга 6 миллиард доллар сармоя жалб этмоқда. Биз минтақадаги дата марказларини юқори тезликдаги алоқа каналлари билан боғлайдиган “Рақамли туркий коридор концепцияси”ни ишлаб чиқишни тақлиф этамиз. Мазкур соҳадаги амалий алоқаларимизни янада кучайтириш мақсадида Тошкент шаҳрида аъзо давлатлар иштирокида Технологийлар форумини ўтказишни режа қилганмиз.

**Иккинчидан**, илм-фан, таълим ва ёшлар масалаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш — умумий мақсадимиз.

Илмий-маънавий меросни пухта ўрганиш ва тарғиб этиш учун Тошкент шаҳрида барпо этилган Ислам цивилизацияси маркази минтақавий йирик илмий-маърифий масканга айланиб бормоқда. Шу кунларда мажмуада ТУРКСОЙнинг офиси очилганини олқишлаймиз. Ушбу марказ ТУРКСОЙ ва Туркий академия билан тарихий-маданий манбаларимизни ягона “катта маълумотлар” платформасига жамласа, халқларимиз учун фойдали иш бўлар эди.

Шу билан бирга, Яссавий тариқатининг бағрикенглик ва маърифатпарварлик гуяларини ҳамкорликда чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этишни тақлиф қиламиз.

### Йиғилиш

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ КЕНГАШИ НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисини чақириш масаласи кўриб чиқилди.



Кенгаш қарорига мувофиқ, Сенатнинг ўн бешинчи ялпи мажлиси 2026 йил 18 май куни ўтказилади.

Ялпи мажлис кун тартибига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор қонунлар киритилган. Электрон тижорат соҳасини ривожлантириш, миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти талаблари билан уйғунлаштириш, бола ҳуқуқларининг кафолатларини кучайти-

риш ҳамда таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоялаш тизимини такомиллаштиришга оид қонунлар шулар жумласидан.

Шунингдек, иқтисодий ва маъмурий судларга мурожаат этишда фуқаролар ҳамда тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, креатив иқтисодий ривожлантириш, рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини ошириш, маданий мерос соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга доир қонунлар ҳам сенаторлар муҳокамасига киритилган.

Бундан ташқари, гиёвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлиқни такомиллаштириш, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизматга оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда парламент назора-

ти доирасидаги қатор масалаларга ҳам урғу қаратилади. Жумладан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги қурилиш соҳасида коррупция ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш юзасидан, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасига табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқуллода вазиятлар мониторингини ҳолати юзасидан парламент сўровлари юбориш масалалари муҳокама қилинади.

Шу билан бирга, Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар оғирлигининг)нинг 2025 йилда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари томонидан рияз этилиши ҳолати ҳақидаги маърузаси эшитилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди тарихига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилади.

Сенаторлар Олий Мажлис Кенгаши қарорларини тасдиқлаш масаласини ҳам муҳокамадан ўтказди.

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати.

## АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Бухорода Осиё хотин-қизларининг иккинчи форуми доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТ Бош котибининг ўринбосари, Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ижрочи директори Диена Кейта билан учрашув ўтказди.

### Учрашув

Сўхбат чоғида Ўзбекистоннинг UNFPA билан гендер тенглик, репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги ҳамкорлиги хусусида фикр алмашилди.

Диена Кейта Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, хотин-қизлар, оналар ва болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббусларини юксак баҳолади. Ушбу устувор йўналишлар UNFPA фаолиятининг асосий тамойиллари билан ҳаммаҳол эканини ҳамда ташкилот ўз иш фаолиятида айнан шу ёндашувларга таяниб келаётганини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш, замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш ҳамда тиббий хизматлар сифатини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни алоҳида эътироф этди.

Учрашувда соғлиқни сақлаш соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва тиббиёт ходимларининг касбий салоҳиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, UNFPA билан ҳамкорликда тиббиёт мутахассисларининг малакасини кучайтиришга қаратилган қўшма лойиҳаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси 2026 йил 18 май куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ НОРАСМИЙ САММИТИДАГИ НУТҚИ

**◀** Хабарингиз бор, шу йил Хива шаҳрига “Туркий дунё ёшлари пойтахти” мақоми берилди. Бу қарор, айниқса, ўғил-қизларимизга кучли мотивация бағишлади. Тадбирлар доирасида Ёш лидерлар форуми ва Халқаро ёшлар фестивалини ўтказишга тайёрмиз.

Айтиш жоизки, биз шиддат билан ўзгараётган замон талабларига мос ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” дастурини амалга оширяпмиз. Ҳозирга қадар мазкур лойиҳа орқали 1 миллиондан ортиқ ўғил ва қизларимиз бошланғич кўникмаларга эга бўлди.

Ёшларнинг истиқболли стартаплари, инновацион ишланмалари, сунъий интеллектга асосланган турли ечимларини молиялаштириш учун биз Қозоғистон билан тузаётган Қўшма венчур жамғармасига Ташкилотнинг барча аъзоларини қўшилишга чорлаймиз.

**Учинчидан**, транспорт боғлиқлигини яхшилаш учун рақамли логистика платформаларини яратиш ва интеграция қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Ташкилотга аъзо барча давлатлар ўртасида “E-Permit” электрон рухсатномалар тизими тўлиқ ишга туширилганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман. Ўрта коридорнинг стратегик ролидан келиб чиқиб, биз уни айни пайтда қурилайётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли билан боғлашга катта эътибор қаратамиз.

Чегараларда божхона ва транзит тартиб-таомилларини енгилаштириш бўйича имзоланган Соддалаштирилган божхона йўлга ҳақидаги битимни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда маълумотлар алмашувини тўлиқ рақамлаштиришимиз зарур. Бу логистика занжирлари бўйлаб маълумотлар узатиш, юкларни кузатиш ва жараёнларни уйғун ҳолда ташкил этиш имконини беради.

**Тўртинчидан**, экологик муаммолар ва иқлим ўзгариши давлатларимиздан мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Бу катта муаммоларга самарали ечим топиш учун сунъий йўлдош маълумотлари асосида Туркий давлатлар ташкилоти иқлим хатарларини мониторинг қилиш тизимини яратиш мўҳим. Бунда қурғоқчиликни барвақт аниқлаш, тупроқнинг емирилиши ва музликларнинг эриши билан боғлиқ ҳолатни доимий кузатиб бориш, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш соҳасига сунъий интеллектни жорий этишга эътибор қаратиш лозим.

Тошкентдаги Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетига Туркий давлатлар ёшлари учун 2026/2027 ўқув йилларида 50 та грант аж-

ратилди. Ёшларимизни ушбу имкониятдан унумли фойдаланишга чақирамиз.

Экология масалаларига эътиборни янада кучайтириш мақсадида Ташкилотимиз доирасида 2027 йилни “Табиати асраш йили” деб эълон қилишни таклиф этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни жорий йилда Самарқандда ўтадиган Глобал экологик жамғарма ассамблеясида ва Сувни тежаш бўйича Бутунжаҳон форумида фаол иштирок этишга чақираман.

**Яна бир масала.** Терроризм, экстремизм ва ёт оқимларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдормиз. Бу жараёнда киберхавфсизлик соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш ва замонавий мутахассислар тайёрлаш, тезкор ахборот алмашиш долзарб аҳамиятга эга.

Янги таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун туркий дунё доирасида ягона хавфсизлик ва ишонч маконини яратишимиз лозим. Бу борада умумий механизм — Киберхавфсизлик ва рақамли инфратузилмани ҳимоя қилиш бўйича Туркий альянсини тузиш ташаббусини илгари сураман.

Шунингдек, сунъий интеллектдан фойдаланишда этика ва ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилиш, айниқса, мўҳим. Жорий йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Ташкилот тақши ишлар вазирлари ва махсус хизматлар раҳбарларининг қўшма учрашувида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

**Қадрли дўстлар!**  
Улуг аждодимиз Аҳмад Яссавий ҳазратларининг “Девони ҳикмат” асаридида бирдамлик ва аҳиллик борасида таъкидлаган қўйидаги сатрлари бугунги кунда янада теранроқ намоён бўлмоқда:

**Туркий элга меҳр қилдим,  
Бирлик йўлин ҳақ деб билдим.**

Биз янги даврда давлатларимизнинг интеллектуал салоҳияти ва бунёдкорлик қудратини бирлаштира оلسак, ҳеч шубҳасиз, туркий дунё илғор ечимлар, барқарор тараққиёт маконига айланади.

**Асосий мақсадишимиз — фарзандларимизга нафақат буюқ тарихимизни, балки келажак авлодларимиз ҳам фахрланса арзийдиган бебаҳо меросни қолдиришдир.**

Бугун қабул қилинадиган Туркистон декларацияси тили ва дили бир-бирига чамбарчас боғланган халқларимизнинг эзгу ниятларини янада мустаҳкамлаб, “Туркий дунё нигоҳи — 2040” концепциясида белгиланган юксак мақсадларга эришиш йўлида навбатдаги мўҳим қадам бўлади деб ишонаман.

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ВА БИРДАМЛИК ТУРКИЙ ДУНЁНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ИЛҒОР ЕЧИМЛАР МАКОНИГА АЙЛАНТИРАДИ

**◀** Экспозицияда Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси билан боғлиқ нодир тарихий ёдгорликлар, жумладан, XIV-XV асрларга мансуб осориётлар, Ўрта асрлар меъморий ва амалий безак санъати ҳамда кулолчилик намуналари ўрин олган. Мақбаранинг асл эшиги, Хожа Аҳмад Яссавий қабри устидаги ёпинчик, Амир Темур томонидан ҳаё қилинган бронза шамдонлар, шунингдек, Туркистоннинг қадимий тарихини очиб берувчи археологик ва керамик топилмалар шулар жумласидан.

Бундай ёдгорликлар ва маданий лойиҳалар маънавий меросни асраб-авайлаш, тарихий хотирани мустаҳкамлаш, муштарак илдизлар, эътиқод ва анъаналар билан боғланган қардош халқларимизни янада яқинлаштиришда мўҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шу кунни давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилотининг “Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш” мавзусидаги норасмий саммитида иштирок этди.

Йиғилиш бошланишидан аввал етакчилар Туркий цивилизация маркази қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этди.

Қозоғистон ташаббуси билан барпо этиладиган ушбу мажмуа туркий халқларнинг муштарак илдизлари, бой тарихий-маданий мероси ва цивилизациялар бирлигини намоён этишга хизмат қилади. Лойиҳа туркий дунё мамлакатлари ўртасида илмий, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, маънавий яқинликни мустаҳкамлаш, умумий кадрият ва анъаналарни кенг тарғиб этишга қаратилган.

Шундан сўнг етакчиларга Қозоғистоннинг рақамли ечимлари ҳамда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг IT ва сунъий интеллект соҳасидаги қўшма ташаббуслари тақдирот қилинди.

Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган саммитда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садр Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, ТДТ бош қотиби Кубанибек Омуралиев ҳам қатнашди.

Кун тартибидидаги масалалар юзасидан фикр алмашилиб, кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва амалий шерикликнинг устувор йўналишлари атрофлича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари нутқининг аввалида Буюк Ипақ йўлининг мўҳим савдо ва маданият маркази ҳисобланган Туркистон шаҳрида норасмий саммит юксак даражада ташкил қилинган учун Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевга ташаккур изҳор этди.

Шунингдек, ТДТдаги самарали раислиги ҳамда тузилманинг халқроқ нуфузини мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган сай-

ҳаракатлари учун Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевга миннатдорлик билдирди.

Туркий дунё интеграцияси қардош халқларимиз тақдирига бевосита дахлдор бўлган узоқ муддатли стратегик масалага айланаётгани таъкидланди.

— Бугунги учрашувимиз жаҳонда турли зиддиятлар тобора авж олаётган даврга тўғри келмоқда. Халқроқ муносабатларда ишонч тақчиллиги янада кучайиб, глобал институтларнинг ўрни ва таъсири борган сари заифлашмоқда. Бу муаммолар биздан ўзaro мулоқотларни фаоллаштириб, мўҳим масалалар бўйича уйғун позицияларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда, — деди Ўзбекистон Президенти.

Сўнгги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти барқарор ривожланиш суръатларини намойиш этаётган нуфузли тузилмага айланди. Жумладан, 2025 йилда давлатларимиз умумий иқтисодий салоҳияти 2,4 триллион доллардан ошди ва унинг динамикаси глобал ўсишдан икки баробар юқори бўлди.

Ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг ТДТ мамлакатлари билан савдо айланмаси 14 фоизга ўсди. Жорий йилдан Туркий инвестиция жамғармаси операцияси фаолиятини бошлади. Марказий банklar кенгаши, “Яшил” молиялаштириш бўйича Туркий кенгаш иши йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари олдинда кўп қиррали муносабатларга тизимли тус бериш бўйича долзарб вазифалар турганини қайд этди. Қолаверса, саммитнинг сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш мавзусига бағишлангани ҳам бежиз эмас.

— Улқаларимизда яшаб ижод қилган улуг боболаримиз — Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек алгоритм, математика, астрономия ва физика фанлари равнақига беқиёс ҳисса қўшиб, шу тарихи ҳозирги сунъий интеллект ривожини асос яратганлар. Биз аждодларимизнинг ана шундай бебаҳо меросига таяниб, бугун Туркий дунёнинг янги рақамли тараққиёт даврини барпо этаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз ўз нутқида ушбу йўналишда ҳамкорликни ривожлантириш учун бир қатор аниқ ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон раҳбари глобал технология жараёнларини инобатга олган ҳолда ташкилот доирасида сунъий интеллект соҳасида стратегик ҳамкорлик тармоғини шакллантириш лозимлигини таъкидлади. Мазкур ташаббус квант сиёсат технологиялари ва ягона рақамли маконини яратиш орқали иқтисодий ўсишнинг янги нуқталарини белгилашга хизмат қилади.

Шунингдек, минтақавий маълумотлар алмашувини таъминловчи “Рақамли туркий коридор концепцияси”ни ишлаб чиқиш ва Тошкент шаҳрида ТДТ аъзо давлатларининг интеллектуал форумини ўтказиш таклиф этилди.

Илмий-маънавий меросни пухта ўрганиш

ва тарғиб қилиш учун Тошкент шаҳрида барпо этилган Ислом цивилизацияси маркази минтақавий йирик илмий-маърифий масканга айланади бормоқда. Шу кунларда мажмуада ТУРКСОЙнинг офиси очилди.

— Ушбу марказ ТУРКСОЙ ва Туркий академия билан тарихий-маданий манбаларимизни ягона “катта маълумотлар” платформасига жамласа, халқларимиз учун фойдали иш бўлар эди, — деди давлатимиз раҳбари.

Саммитда Яссавий тариқатининг бағрикенглик ва маърифатпарварлик гоёларини ҳамкорликда чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш таклифи ҳам берилди.

Ёш авлодни замонавий касбларга тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури юқори баҳоланмоқда. Президентимиз ёшларнинг стартап лойиҳаларини молиялаштириш учун Ўзбекистон ва Қозоғистон томонидан ташкил этилаётган Қўшма венчур жамғармасига аъзо давлатларни қўшилишга чорлади.

Юк ташви жараёнларини соддалаштириш мақсадида аъзо давлатлар ўртасида “E-Permit” электрон рухсатномалар тизими тўлиқ йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Стратегик аҳамиятга эга бўлган ўрта коридорни айни пайтда қурилайётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли билан боғлаш ҳамда божхона маълумотлари алмашувини тўлиқ рақамлаштириш бўйича амалий вазифалар белгилаб берилди.

Иқлим ўзгаришига қарши мувофиқлаштирилган ҳаракатларни ташкил этиш мақсадида 2027 йилни туркий дунёда “Табиати асраш йили” деб эълон қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Шу билан бирга, сунъий йўлдош маълумотлари асосида ТДТ иқлим хатарларини мониторинг қилиб бориш тизимини яратиш ҳамда қурғоқчиликни барвақт аниқлаш, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш жараёнига сунъий интеллектни татбиқ қилиш зарурлиги қайд этилди.

Терроризм, экстремизм ва кибертаҳдидларга қарши курашишда мустаҳкам ҳуқуқий ва технология замин яратиш мақсадида Киберхавфсизлик ва рақамли инфратузилмани ҳимоя қилиш бўйича Туркий альянсини тузиш таклифи берилди.

Ўзбекистон етакчилиги ўз нутқи якунида таъкидлаганидек, интеллектуал салоҳият ва бирликнинг уйғунлиги Туркий дунёни барқарор тараққиёт ва илғор ечимлар маконига айлантиради.

Саммит якунида Туркистон декларацияси қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

# АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

**◀** Ўзбекистонда ижтимоий ва табиий хизматларни рақамлаштиришга, шунингдек, оила ва ёшлар масалалари, репродуктив саломатликни ҳимоя қилиш, аёллар учун скрининг дастурларини ривожлантириш, оналарга кўрсатиладиган хизматларни рақамлаштиришга кўрсатилган ҳуқуқат даражасидаги эътибор алоҳида ургуланди. Шу билан бирга, табиёт ҳодимларини халқаро стандартлар асосида тайёрлаш, хотин-қизлар ва ёшлар табиий ва маслаҳат хизматларида фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун рақамли платформалар ва мобиль ечимларни жорий этиш бўйича қўнучиликни тақомиллаштиришга қаратилган дастурлар муваффақиятли амалга оширилгани таъкидланди.

Учрашув якунида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва янги қўшма ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишдан икки томон ҳам манфаатдор экани тасдиқланди.

\*\*\*  
Форум доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишларни бартараф этиш қўмитаси раиси Нахла Хайдар билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида мамлакатимизда 2030 йилгача мўлжалланган Гендер тенглик стратегияси амалга ошириляётгани, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”, “Хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилингани таъкидланди.

Нахла Хайдар Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириляётган тизимли ислохотларни юқори баҳолади.

Томонлар хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, гендер тенглик соҳасида миллий қўнучиликни халқаро стандартларга мувофиқ тақомиллаштириш ҳамда хотин-қизлар лидерлигини ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашди.

\*\*\*  
Бухоро шаҳрида ўтган Осиё хотин-қизларнинг иккинчи форуми доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БАА Федерал Миллий Кенгаши Раисининг иккинчи ўринбосари, Ўрта Ер денгизи Парламент Ассамблеясининг Аёл парламенти форуми президенти Марям Маждид бин Танейя ҳамда Саудия Арабистони Мажлис аш-Шўроси Раиси ўринбосари Ҳанан бин Абдулрахим Ал-Аҳмадий билан учрашувлар ўтказди.

Мулоқотда Ўзбекистоннинг Бирлашган Араб Амириклари билан стратегик шериклик муносабатларини изчил ривожлаништириш, давлат раҳбарлари ўртасидаги очик ва ишончли мулоқот икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашув чоғида парламентлараро ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар фаолиятини жонлантириш, олий даражадаги келишувлар ижросини таъминлашга қаратилган қўшма “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, сунъий интеллект, рақамли технологиялар, энергетика, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган қўшма ташаббусларни

қўллаб-қувватлаш мўҳимлиги қайд этилди.

Саудия Арабистони Мажлис аш-Шўроси Раиси ўринбосари Ҳанан бин Абдулрахим Ал-Аҳмадий билан мулоқот чоғида ҳамкорлик доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларнинг жадал ривожланиётгани, жумладан, энергетика соҳасида “ACWA Power” компанияси иштирокида йирик лойиҳалар амалга ошириляётгани таъкидланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президентини ташаббуси билан қайта бунёд қилинган Имом Бухорий мажмуаси ислом цивилизациясининг йирик маънавий-маърифий марказларидан бири экани алоҳида эътироф этилди. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг Гиннес рекордлари китобига киритилгани муносабати билан самимий табриklar билдирилди.

Томонлар жорий йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Ёш парламент аъзоларининг 12-глобал конференциясида БАА ва Саудия Арабистони парламентлари аъзолари қатнашиши мўҳимлигини қайд этди.

\*\*\*  
Осиё хотин-қизларининг иккинчи форуми доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Озарбайжон Республикаси Миллий Межлиси Раиси Саҳиба Гафарова ҳамда Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раисининг ўринбосари Инна Святенко билан учрашувлар ўтказди.

С. Гафарова билан сўхбат чоғида Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон Президентларининг ишончли мулоқоти ва сиёсий иродасига асосланган Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари жадал ривожланиб бораётгани қайд этилди.

# Бухоро декларацияси: ЎЗARO АЛОҚАЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА МУҲИМ ҚАДАМ

*Бухоро яна бир бор халқроқ мулоқот ва тафаккур марказига айланди. Осиё хотин-қизларининг иккинчи форуми нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда ҳам долзарб саналган гендер тенглик, ижтимоий адолат ва барқарор тараққиёт масалалари муҳокамаси учун қўлай майдон бўлди.*



Форумнинг яна бир мўҳим жиҳати — иқтисодий имкониятларни кенгайтириш масаласи бўлди. Хотин-қизларнинг меҳнат бозори ва тадбиркорликдаги иштирокини кучайтириш, рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллект йўналишларида уларнинг фаоллигини ошириш бўйича илгари сурилган ташаббуслар бугунги куннинг энг долзарб йўналишларидан биридир. Бу борада ёшлар ҳам бевосита иштирокчи сифатида янги стартаплар, рақамли лойиҳалар ва инновацион платформаларни шакллантиришда мўҳим роль ўйнаши мумкин.

## Фикр

Президентимиз томонидан форум иштирокчиларига йўланган мурожаат ҳамда унда илгари сурилган гоёлар бугунги глобал жараёнларнинг реал эҳтиёжларига жавоб бериши билан ажралиб туради. Хусусан, аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг иқтисодий, сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари Янги Ўзбекистон ислохотларининг ажралмас қисми сифатида қайд этилди. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар учун ҳам аниқ йўл харитасини белгилаб беради.

Форумнинг Бухорода ўтказилиши ҳам раъзий маънога эга. Асрлар давомида илм-маданият ва цивилизациялар турташган мазкур қадимий шаҳар бугун ҳам мулоқот ва ҳамкорлик макони сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унда БМТ, унинг иқтисослашган муассасалари вакиллари, шунингдек, Осиё мамлакатлари парламент делегациялари иштирок этгани форумнинг халқроқ нуфузини янада оширди.

Ёшлар парламенти раиси сифатида мен учун энг мўҳим жиҳатлардан бири — қарор қабул қилиш жараёнида инклюзивлик ва ёшларнинг ролини кенгайтириш масаласи.

Бугун дунё аҳолиси таркибининг катта қисмини ёшлар ташкил қилади. Худди шундай, Осиё қитъасидаги аёллар ҳам жамият тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этилмоқда. Бу икки катта ижтимоий гуруҳ — ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларининг кесилган нуқта-сида эса барқарор келажак шаклланади.

Форумда таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш бўйича мўҳим ҳуқуқий ва институционал асослар яратилди. Давлат бошқарувида аёллар улушининг ортиши, олий таълимда қизларнинг салмоғи ошгани, тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг фаоллашуви — буларнинг барчаси реал натижалар. Бундай ўзгаришлар ёшлар учун ҳам янги имкониятлар ашигини очмоқда.

Айниқса, таълим ва инновация соҳасида эришилган натижалар эътиборга лойиқ. Магистратура ва илмий излашларда хотин-қизлар улушининг сезиларли ошгани, олимлар таркибида аёлларнинг 60 фоизга етгани жамиятнинг интеллектуал салоҳияти ортиб бораётганини кўрсатади. Бу жараённи ёшлар парламенти доирасида биз ҳам доимий равишда қўллаб-қувватлашга интиламиз.

**Лайло АСЛОНОВА,**  
Олий Мажлис Сенати хузуридаги Ёшлар парламенти раиси.

«Халқ сўзи».

Муносабат

САМАРАЛИ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Осиё хотин-қизларининг иккинчи форуми ўтказилиши мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш, аёллар салоҳиятини рўёбга чиқариш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлорнинг мантикий давоми бўлди. Президентимизнинг форум иштирокчиларига йўллаган мурожаатида ҳам хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги беқиёс ўрни, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, аёллар фаоллигини қўллаб-қувватлаш масалалари алоҳида эътироф этилди.



Бугунги кунда Осиёда 5 миллиардга яқин аҳоли истиқомат қилади ва уларнинг қарийб ярмини аёллар ташкил этади. Бу рақамнинг ўзбек хотин-қизларининг тараққиёт жараёнидаги ўрни нақадар муҳим эканини кўрсатади. Аёл — нафақат оила танчиси, балки жамиятнинг англо-иқтисодий ривожлантирувчи, илм-фан ва таълимни юксалтирувчи, тинчлик ва адолат ҳолатини ҳаётга таъбиқ этувчи улкан куч.

ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, бизнес форумлар ва халқаро тренинглр ўтказиш, сунъий интеллект ҳамда рақамли технологиялар буйича кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган махсус платформа ташкил этиш тақдирини билдирилди. Ушбу ташаббус замонавий дунёда аёллар фаоллигини янги босқичга олиб чиқишга ҳисса қўшади. Чунки бугунги тараққиёт рақамли билим, инновацион фикрлаш ва халқаро ҳамкорликни талаб қилади.

Сарвиноз СУННАТИЛЛАЕВА, Олий Мажлис Сенати ҳузурдаги Ёшлар парламенти комиссияси раиси.

АЁЛЛАРГА ИНВЕСТИЦИЯ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Осиё хотин-қизлари форумининг "Аёлларга инвестиция — барқарор ўсиш асоси: хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик имкониятларини кенгайтириш" мавзусида ўтказилиши биз, ёшлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.



Бинобарин, бугунги давр аёллардан фавқ оилада эмас, балки жамият ҳаётининг барча соҳасида фаол бўлишни талаб қилади. Ҳозирги кунда хотин-қизлар таълим, тадбиркорлик, сиёсат, илм-фан ва бошқа қўлаб йўналишларда ўз салоҳиятини намоян эътиёр. Айниқса, аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, уларнинг билим ва касб эгаллиги учун имконият яратиш келажак тараққиётга хизмат қилади.

да хотин-қизларнинг интилиши, изланиши ва ўз салоҳиятини мунтазам ошираётганига гувоҳ бўламиз. Кўплаб аёллар, бизнинг тенгдошларимиз ўз бизнесини бошлаш, таълимнинг давом эттириш ёки жамият ҳаётини фаол қатнашишни истайди. Албатта, уларни қўллаб-қувватлаш, ишонч бериш ва имконият яратиш орқали янада катта натижаларга эришиш мумкин.

Осиё хотин-қизлари форумининг аҳамияти ҳам айнан шунда — турли давлатлар таърихида алоҳида-алоҳиди, долзарб муаммолар муҳофиза қилинган ва янги ташаббуслар илгари сурилди. Бундай мулоқот майдонлари хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Нозигул Жўраева, Олий Мажлис Сенати ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзоси, Бухоро вилояти Кенгаши депутаты.

ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ ДИПЛОМАТИЯСИ — СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ КЎПРИГИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ёшлар — умумий тараққиёт ва тинчлик сари!" шiori остида Ўзбекистон ва Қирғиз Республикаси ёш парламентарийларининг биринчи форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат парламентарий вакиллари, ёш депутатлар, Ёшлар парламенти аъзолари, экспертлар, жамоатчилик фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Форум

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Раҳимжон Ҳакимов, Қонар Аденуэр жағфармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий дастури раҳбари Андре Алтермиссен кириш сўзи билан очиб, бугунги глобаллашув даврида қонун чиқарувчи органлар, жумладан, ёш парламентарийларнинг ўрни ва масъулияти тобора ортиб бораётгани, мазкур форум парламентарларо ҳамкорликни янада ривожлантириш, парламент дипломатиясини мустаҳкамлаш ҳамда ёш парламентарийлар ўртасидаги сиёсий мулоқотни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини таъкидлади.

— Ўзбекистон темир йўли, "Қамбарота-1" гидроэлектр станцияси каби йирик инфратузилмавий лойиҳалар минтақада иқтисодий интеграциянинг муҳим омилга айланган. Шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат чегаралари туташган нуқта

Кайд этилганидек, бугун Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги мазмун билан бойимдоқ. Кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, очик мулоқоти натижасида яхши қўшничилик, дўстлик ва стратегик шериклик алоқалари изчил ривожланиб, амалий натижалар бермоқда.

Бехзод ТЎХТАМУРОДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси ўринбосари:



— Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқичга кўтарилди. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч ва конструктив мулоқотга асосланган сиёсати натижасида ҳамкорликнинг барча йўналишларида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, савдо-иқтисодий алоқалар ва маданий-гуманитар соҳалар билан бир қаторда ёшлар сиёсати борасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб, парламентарларо алоқаларимиз мустаҳкамланиб бораётган. Айниқса, бу жараёнда ёш парламентарийларнинг фаол иштироки келажакдаги ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдеворини яратишга муҳим аҳамият касб этади. Ёш парламентарийлар ўртасидаги очик мулоқот эса нафақат таърихга айланиши, балки икки қардош халқ ёшлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлашга имкон беради. Шу билан бирга, Марказий Осиёда яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва парламентарларо ҳамкорликни мустаҳкамлашга, энг муҳими, янги авлод онгидида тинчлик ҳамда тараққиёт қадриятларини қарор топтиришга хизмат қилади.

Отабек СОБИТОВ, Қонунчилик палатаси ҳузурдаги Ёшлар парламенти раиси: — Ёш парламентарийларнинг биринчи форуми Ўзбекистон ва Қирғизистон ёшлари ўртаси-

Туркистон саммити:

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Бугунги глобал жараёнлар дунё давлатларидан янгиқа ёндашув, муштарак ҳаракат ва умумий манфаатлар йўлида ҳамжиҳатликни талаб этмоқда. Айниқса, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект шиддат билан ривожланаётган

ҳозирги даврда мамлакатлар, хусусан, қардош халқлар ўртасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозғистоннинг Туркистон шаҳрида

ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида иштирок этиши ана шу жиҳатдан гоят аҳамиятли сиёсий воқеалиқдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:



— Сўнгги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) минтақавий ҳамкорликнинг энг истиқболли платформаларидан бири сифатида аҳамиятини тобора ошириб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг мазкур тузилмадаги фаол иштироки мамлакат ташки сийбосининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини кўрсатади. Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган очик ва прагматик ташки сийбат Марказий Осиёда янги сиёсий муҳитни шакллантириш ҳамда туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат ва мазмун бағишлади.

Саммитнинг Туркистонда ўтказилиши туркий халқларнинг муштарак тарихий мероси ҳамда уларнинг динамика ва рақамли имкониятларга асосланган келажакни барпо этиш йўлидаги умумий интилишлари ўртасидаги мустаҳкам боғлиқликни раъсий ифода қилади. Тадбир давомида кўп томонлама ҳамкорликни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация ва экология соҳаларида ҳамда рақамли инфратузилмани ривожлантириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва сунъий интеллектни амалда қўллашни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилган бугунги замонда алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

2019 — 2025 йилларда ўтган саммитларда Ўзбекистон Президенти томонидан кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган 116 та ташаббус илгари сурилди. Ҳозирги кунга қадар уларнинг 64 таси амалга оширилди, яна қатор лойиҳалар яқиний босқичда турибди. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистоннинг туркий макондаги интеграция жараёнларини ривожлантиришга нисбатан тизимли ва амалий ёндашувини кўрсатади.

Ўзбекистон ТДТга аъзо бўлганидан сўнг транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик мамлакат ташки иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Глобал таъминот занжирларидаги ўзгаришлар, муқобил йўналишларга эҳтиёжнинг ортиши ва халқаро транспорт коридорлари ўртасидаги рақобат кучайиши шароитида расмий Тошкент ягона транспорт ва транзит маконини яратиш ташаббусларини изчил илгари суриб келмоқда.

Муҳим жиҳатлардан бири — Ўзбекистон парламенти, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳам ТДТ доирасидаги интеграция жараёнларида фаол иштирок этиб келмоқда. Парламент вакиллари халқаро саммитлар, парламентларо форумлар ва қўшма комиссияларда мунтазам қатнашиб, қонунчилик соҳасидаги таърихга айланишувини кўчатиришмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон парламенти томонидан ТДТ доирасида қабул қилинаётган қатор халқаро шартномалар ва қелишувлар изчил равишда ратификация қилиниб, уларнинг миллий қонунчилик имплементацияси таъминланмоқда. Бу эса мамлакат ташки сийбосининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаб, халқаро мажбуриятларни бажаришда парламентнинг ролу тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Бу галги саммитда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар туркий интеграциянинг янги — рақамли ва инновацион босқичга кўтарилаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, туркий давлатлар ўртасида рақамли интеграция, инновацион ҳамкорлик ва транспорт боғлиқлигини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ҳилола ЮСУПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:



— Дарҳақиқат, бу галги саммитнинг "Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш" мавзусига бағишлангани бежиз эмас. Чунки бугун рақамли тараққиёт иқтисодий, таълим, давлат бошқаруви ва инсон ҳаётининг барча соҳасига чуқур кириб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, норасмий саммитлар давлатлар ўртасидаги муносабатларда алоҳида аҳамиятга эга. Бундай учрашувлар қатъий дипломатик протоколлардан қўра, очик ва эркин мулоқот муҳитини яратиши билан аҳамиятли. Етақчилар долзарб масалалар юзасидан фикр алмашади, истиқболдаги ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб олади. Энг муҳими, бу каби мулоқотлар давлатлар ўртасидаги ишонч ва стратегик шерикликни мустаҳкамлайди.

Шу маънода, Туркий давлатлар ташкилоти бугун нафақат маданий яқинлик, балки иқтисодий, транспорт-коммуникация, экология, инновация ва хавфсизлик соҳаларида ҳам умумий манфаатларни бириктираётган нуфузли минтақавий тузилмага айланиб бормоқда. Ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифаларига назар ташласак, унда туркий халқлар ўртасидаги ҳамжиҳат-

лиқни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ва инвестиция алоқаларини кенгайтириш, шунингдек, замонавий тараққиёт чакрликларига биргаликда ечим топиш каби муҳимасам эканини кўриш мумкин. Айниқса, сунъий интеллект ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш масалалари бугун нафақат иқтисодий ўсиш, балки миллий рақобатдошлиқнинг муҳим омилли сифатида қаралмоқда. Шу маънода, Туркистондаги мулоқот туркий давлатларнинг технология тараққиёт борасида ҳам ягона ёндашув ва муштарак манфаатлар асосида ҳаракат қилишга интилаётганини кўрсатади.

Саммитда Президентимиз томонидан илгари сурилган ташкилот доирасида сунъий интеллект соҳасида стратегик ҳамкорлик тармоғини шакллантириш масаласи бугунги глобал рақобат шароитида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу ташаббус орқали иқтисодий ўсишнинг янги драйверларини яратиш, булуғли ва квант технологияларини ривожлантириш, шунингдек, ягона рақамли маконни шакллантириш имконияти пайдо бўлади.

Жуманазар ОТАЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:



— Сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги фаол иштироки мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Кайд этиш жоизки, бугун халқаро муносабатлар тизими жиддий трансформация даврини бошдан кечирмоқда. Дунёда янги куч марказлари шаклланимоқда, аънанавий хавфсизлик тизимлари эса тобора заифлашяпти. Бундай шароитда умумий тил, тарих ва маданий илдизларга эга давлатларнинг яқинлашуви минтақавий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Туркий давлатлар ташкилоти айнан шу нуқтаи назардан катта геосийсий аҳамият касб этаётган. У ташкилотга аъзо давлатларга миллий манфаатларини биргаликда ҳимоя қилиш, ташки иқтисодий қишлоқларга бардош бериш ва хавфсизлик соҳасида ўзаро ҳамкорлик-

ни қўчайтириш имконияти яратмоқда. Айниқса, транспорт, логистика, рақамли иқтисодиёт, энергетика ва инновацион технологиялар соҳасида ҳаётга таъбиқ этилаётган қўшма лойиҳалар туркий маконнинг иқтисодий салоҳиятини сезиларли даражада оширмоқда. "e-Permit", "Рақамли ТИР" каби рақамли тизимларнинг жорий этилиши эса давлатлар ўртасидаги савдо ва транзит жараёнларини янги босқичга олиб чиқди.

Туркистон саммити маънавий жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бугунги туркий интеграция гоёлари бевосита жадид маърифатпарварлари орзу қилган умумтуркий яқинлашув гоёларининг мантикий давомидир. Исмоил Фаспират, Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат ва Абдулла Авлоний каби улуг мута-

факирлар миллат тараққиётини илм-фан, маърифат ва бирлиқка қўрган эди. Исмоил Фаспиратнинг "Тилда, фикрда, ишда бирлик" деган гоёси эса бугунги туркий интеграциянинг гоёвий асосига айланиб бормоқда. Демак, Туркистон саммити нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки тарихий адолатнинг тикланиши нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугун туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик фақат маданий яқинлик билан чекланиб қолмапти. Ёшлар сиёсати, таълим, илм-фан, сунъий интеллект, инновациялар ва юқори технологиялар соҳасида ҳам янги ҳамкорлик механизми шаклланимоқда. Бу эса келажакда туркий маконнинг рақобатдор интеллектуал ва технологик худудга айланиши учун мустаҳкам замин яратилади.

Туркистон саммити шунчаки дипломатик тадбир эмас, у туркий халқларнинг тарихи, умумий манфаати ва келажакни ифода этувчи муҳим сиёсий воқеалиқдир. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган

ташабуслар жуда муҳим. Масалан, янги таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун туркий дунё доирасида ягона хавфсизлик ва ишонч маконини яратиш борасида умумий механизм — Киберхавфсизлик ва рақамли инфратузилмани ҳимоялаш бўйича Туркий альянсини тузиш ташаббуси аъзо давлатларнинг ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш, киберҳужумлар ва рақамли таҳдидларга қарши биргаликда самарали курашда ҳамда минтақада барқарор ва хавфсиз рақамли макон яратишга хизмат қилади.

Бугунги туркий интеграция жараёнлари Янги Ўзбекистон ташки сийбосининг энг муҳим ва истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, туркий давлатлар ўртасидаги яқин ҳамкорлик нафақат минтақавий барқарорликни таъминлайди, балки халқларимиз фаровонлиги, иқтисодий тараққиётга ва келажак авлодлар манфаати учун ҳам мустаҳкам пойдевор яратилади.

«Халқ сўзи».

Медиахафталик

КРЕАТИВ ФИКРЛАШ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ДОЛЗАРБ

Бухорода Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузурдаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Журналистлар уюшмаси ҳамкорлигида медиахафталик ўтказилди. Таърихчи журналистлар ва экспертлар томонидан олиб борилган маҳорат сабоқлари фикрлар ранг-баранглиги, баҳс-мунозараларнинг амалга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди.

— Узоқ йиллардан буён матбуот соҳасида ишлаб келаямиз, — дейди "Ромитаннома" газетаси муҳаррири Мафрат Атоева. — Замонавий ахборот технологиялари ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда газета чоп этиш, ўқувлар маънавий эҳтиёжини, қолверса, ишончини қозониш анойи иш эмас. Медиахафталик машғулотларида газетани замон талабларига мослаштириш, унинг расмий сайт ҳамда "Телеграм" каналларини очиб ахборот маконидидаги ўрнини мустаҳкамлашга оид тақлифлар, йўл-йўриқлар фаолиятимизда жуда асқатади, деб уйлайман. Ҳозир биз, ОАВ ходимлари учун креатив фикрлаш ҳар қачонгидан муҳим.

Хафталик қатнашчилари қаторида кўпгина ёшлар, жумладан, Бухоро давлат университетининг журналистика йўналишида сабоқ олаётган талабаларни ҳам кўриш мумкин эди.

— Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар гуруҳи талабасимиз, — дейди шундай ёшлардан бири Машхура Файзиева. — Медиахафталик давомида тезкор, далил-исботларга асосланган контент яратиш борасида муайян таърихчи тўпладик, олган билимларимизни профессионал журналистлар даврасида синиб кўриш имконига эга бўлди. Сунъий интеллект воситасида замонавий рақамли контент яратиш усулларини ўзлаштирдик.

Худудий журналистикани сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсади кўзда тутилган хафталик йўналишида иштирокчиларнинг энг яхши ишлари алоҳида эътироф этилиб, фаол қатнашчиларга сертификатлар топширилди.

«Халқ сўзи».

Сўз — иштирокчиларга



амалий натижаларга йўналтириш имкониятини берилади.

Бир фикрини баралла тасдиқлади: Ўзбекистон ва Қирғизистон дўстлиги фақат бугунги кун сиёсати эмас, балки келажак авлодлар олдидидаги умумий масъулиятдир. Бу масъулиятни биз, ёш парламентарийлар ва янги авлод етақчилари муносиб давом эттиришимиз керак.

Ушбу форум икки мамлакат ёшлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш баробарида, келгусидаги доимий мулоқот учун мустаҳкам асос яратиши ва Марказий Осиёда ёшлар ҳамкорлигининг янги босқичини бошлаб берди.

даги муносабатларда янги саҳифа очди, десак, янглишмаймиз. Бу икки давлат раҳбарлари яратган дўстлик ва ишонч муҳитини ёшлар даражасида давом эттириш, парламент дипломатиясини янги мазмун билан бойитиши ва ёшлар ҳамкорлигини амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиши.

Тадбир доирасида қирғизистонлик ёш парламентарийлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти билан яқиндан танишди. Мехмонларга парламентнинг қонун ижодкорлиги

Табилди МУРАТБЕКОВ, Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеші депутаты: — Ўзбекистонлик ёш парламентарийлар билан учрашувимиз жуда самарали бўлди. Форум доирасида ёшлар масалаларига оид қатор муҳим йўналишларда фикрлашдик, таърихчиларимиз билан ўртоқлашдик. Қайд этиш керак, мазкур форум икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Зеро,



изчил давом эттиришга қаратилган муҳим платформа ҳисобланади.

Форум доирасида ўзаро ҳамкорлик битими имзолангани айни мутда бўлди. Бу, ўз навбатида, ўзаро ишонч, дўстлик ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлайди, ёшларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини кенгайтиради. Энг муҳими, икки давлат ёшлари ўртасида таърихга айланиши, инновацион гоёларни қўллаб-қувватлаш ҳамда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбир баҳонасида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, "IT Park" билан яқиндан танишдик. Марказда тарих, маънавият ва замонавий ёндашув уйғунлашгани менда жуда катта таассурот қолдирди. Айниқса, буюк алломалар меросини замонавий технологиялар орқали тақдим этиш усули мени ҳайратга солди. Шунингдек, "IT Park" фаолияти ҳам катта қизиқувчиги бўлди. Ёшлар учун яратилган имкониятлар, стартапларни қўллаб-қувватлаш тизими Ўзбекистон рақамли иқтисодиёти соҳасида катта қадам ташлаётганини кўрсатади.

«Халқ сўзи».

18 май — Халқаро музейлар куни

# МАДАНИЙ МЕРОС ДУРДОНАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТАРИЛМОҚДА



Хосен ГИЙОЗОВ ойна суратлар.

Ўзбекистон бир неча минг йиллик улугвор ва мухташам тарихга эга. Унинг турли даврларида жажоншумул цивилизациялар, йирик салтанатлар, улкан шахарлар ва бебаҳо мейморий обидалар вужудга келган. Айниқса, буюк аждодларимиз томонидан яратилган тенгсиз маданий мерос инсоният тарихида ўчмас из қолдирган. Улардан бизгача етиб келган илмий, тарихий ва бадиий асарлар бугун дунёнинг турли нуқталарида, хориж тўпламлари, жамғармалари, кутубхона ва музейларида сақланмоқда.

Шарқ Уйғониш даври — Мусулмон Ренессанс давомида бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк алома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг гоёси ва ташаббуси билан бунёд этилган Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази бугунги кунда халқимизнинг қадим тарихи, бой маданияти, аждодларимиз салоҳияти ва бунёдкорлиги тисмолига айланган бормоқда.

Соҳа олимлари, экспертлари ва кенг жамоатчилик томонидан мажмуа ўзининг қўлими, замонавий инфратузилмаси ва ноёб экспонатлари билан дунёдаги энг йирик маданий-маърифий марказлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

2026 йил 13 апрель кунини Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази "Дунёдаги энг йирик Ислום цивилизацияси музейи" сифатида расман тан олинган. "Guinness World Records"нинг нуфузли унвонига лойиқ қўрилди.

Тантанали тақдирлаш маросимидан катнашган "Guinness World Records" расмий вакили ва ҳақами — Шейда Субашининг эътирофи алоҳида эътиборга лойиқ.

Музейнинг ҳар бир бурчаги ва тақдим қилинган ҳар бир экспонат ўзига хос ноёбликка ҳамда маданий қийматга эга, — дейди у. — Ушбу мажмуани барпо этиш ортида йиллар давомида олиб борилган кенг қўламли

ва машаққатли меҳнат ётганлиги яққол кўриниб турибди. Музейга ташир бу-йорш мени жуда хайратда қолдирди — бу, ҳақиқатан ҳам, чуқур ва мазмунли тахрири бўлди. Ташриф доирасида барча нарсани тўлиқ қамраб олишнинг имкони бўлмаса-да, баҳоланган жараёни белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ қатъий равишда амалга оширилди. Мен томонидан расмий лог-букид (қайдлар дафтридан фойдаланилди, унда ҳар бир экспонат қайд қилиниб, ислом археологияси, санъати ва фани соҳасидаги мутахассислар томонидан тасдиқланди.

Мен амалга оширилган ишлар даражасидан чин дилдан хайратданман ва ушбу лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда қатнашган барчага ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Бу улкан саъй-ҳаракатлар ва юксак профессионаллик натижаси бўлган улкан ютуқдир. Ҳар бир иштирокчининг ҳиссаси алоҳида хурматга лойиқ. "Guinness World Records" тили билан айтганда, бу — ҳақиқатан ҳам хайратланарли.

Айни пайтда марказда Ўзбекистон маданий меросига оид минглаб сара артефактлар, тарихий қўлёзмалар ва ҳужжатлар сақланмоқда. Уларнинг аксарияти хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга қайтариб келинмоқда.

Маълумки, 2025 йил давомида "Sotheby's", "Christie's" аукционлари орқали 100 дан ортиқ сара артефактлар харид қилиниб, марказга олиб келинган эди. Муассасанинг махсус комиссияси аъзолари жорий йилда ҳам 27 апрелдан 2 майга қадар Буюк Британияда бўлиб ўтган Ислום мероси ҳафталиги доирасида халқаро аукци-

онларидаги Ўзбекистоннинг маданий мероси билан боғлиқ артефактлар савдосини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон ҳамияти (WOSCU), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, ўйрилган, йўқолган ва ноқонуний олиб чиқилган санъат асарлари, антиквариат ва маданий бойликларни қидириш билан шуғулланувчи халқаро тузилмалар, Британиянинг тегишли идоралари ҳамда халқаро экспертлар ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистонга жажон хайратини таъминлаш бўлиб, тахминан милодий II-V асрларга, ноёб ва бетакрор дурдоналар қайтарилимоқда.

Лондондаги сафар давомида хорижий тарихчилар, шарқшунослар, дипломатик корпус вакиллари, илмий жа-

моатчилик, маданий доиралар ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан турли учрашувлар, тақдимотлар ўтказилди. Ушбу тадбирлар доирасида Ўзбекистонга оид 10 дан ортиқ артефакт мамлакатимизга қайтарилиди. — Ўзбекистонга оид маданий мерос дурдоналарини Ватанимизга қайтариш ишлари бевосита Президентимизнинг гоёлари ва ташаббуслари натижасида амалга ошмоқда, — дейди Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдуқоликов. — Бу артефактларни қайтариш бир неча ой давом этган кенг қўламли халқаро ҳамкорлик самарасидир. Мазкур жараёнда экспертлар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари бизга яқиндан ёрдам берди. Бу мамлакатимиз маданияти тарихида муҳим ҳодиса ҳисобланади.

Айни пайтда артефактларнинг барчаси Тошкентга олиб келинган. Мазкур нодр осорياتикалардан 2 таси сополдан, яна 2 таси гипсдан ясалган ҳайкал бошлари бўлиб, тахминан милодий II-V асрларга, Кушон подшолиги давридаги Гандҳара маданиятига мансуб. Келтирилган артефактларнинг 5 таси милдан аввалги I миғ йиллик ўрта-ларига тегишли деворий суратлар

парчалари бўлиб, уларда ўша пайтлардаги аждодларимиз қиёфалари ва тарихий жараёнлар ифодаланган.

Ноёб артефактларни қайтариш ишлари мазкур ашёлар Ўзбекистон ҳудудига тегишли бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумот тушгандан сўнг бошланган. Кейинчалик хорижий мутахассислар, WOSCU аъзолари, санъат тарихи бўйича олимлар ва маданий мерос экспертлари иштирокида халқаро ишчи гуруҳ шакллантирилган. Бу жараёнда турли мамлакатлардан ўнлаб мутахассислар, экспертлар, ҳуқуқшунослар, санъатшунослар ҳамда ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар иштирок этган.

Шунингдек, олиб келинган артефактлар орасида қора тошдан ишланган қабртоши ҳам бор. Дастлабки маълумотларга қўра, у аштархонийлар даврига мансуб бўлиб, 1642 йилда вафот этган шахзодалардан бирига тегишли экани аниқланди.

Бу буюмлар тарихий ва илмий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Антропология институти директори Фарҳод Максудов. — Ортмишга қайтарилган буюмлар орасида гипс ва терракотадан ясалган ҳайкал бошлари, деворий сурат парчалари алоҳида аҳамиятга эга. Дастлабки ҳулосаларга қўра, улар Кушон даври ва қадимий Термиз буддийлик марказлари — Қоратена, Фаётепа ва Далварзинтепага хос. Бу артефактлар қўшимча тадқиқот, реставрация ва илмий таърифдан ўтказилган, Ватанимиз тарихига оид яна қанчадан-қанча маълумотларни қўлга киритишимиз мумкин бўлади.

Мазкур тарихий артефактлар Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази музейи экспозицияларидан жой олиши кутилмоқда.

«Халқ сўзи».

## ҲУНАРМАНДЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ТУТАШГАН МАНЗИЛ

БУХОРО ШАҲРИДА III ХАЛҚАРО ЗАРДЎЗЛИК ВА ЗАРГАРЛИК ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Кўҳна Бухоро шу кунларда яшариб, янада фусункор қиёфа касб этди. Ҳар қадамда байрамона руҳ кезмоқда. Қадимий кўчалар сайёҳлар билан гажжум. Инглиз, француз, испан, италян, рус, хитой, корейс, ҳинд тилларида сўзлашиб, хушайфийда юрган меҳмонларни кузатиш нақадар мароқли. Бу дунёдаги энг азиз неъмат саналган тинчлик шарофатидан, албатта. Бухоро шаҳрида ташкил этилган III Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали хорижий меҳмонларнинг ҳам, мамлакатимизнинг турли гушларидан келган сайёҳларнинг ҳам ана шундай осуда муҳитда ҳар дақиқани мазмунли, эсда қоларли ўтказишига хизмат қилмоқда.

Халқ устаси унвони соҳибиман. Бахшулла ака ва рафикаси Муқаддас Жумаеванинг машаққатли меҳнати эвазига дунё юзидан халқаро илмий-амалий конференция ҳамда Ўзбекистон заргарлик давлатлари музейлари, юзлаб шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Дарвоқе, "Офтоб ва ой ошуфта" деган иборани ишлатганимиз ҳам бежиз эмас.

Йиши ташкил этиляпти. Шунингдек, "Аънавий заргарлик ва зардўзлик санъатини ривожлантириш истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда Ўзбекистон заргарлик давлатлари музейлари, юзлаб шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Буюк Ипак йўлида жойлашган бу шаҳарни томоша қилиш кўп йиллик орузим эди, — дейди франциялик сайёҳ Роза Мария. — Омадимиз бор экан, сафаримиз Бухорода шундай нуфузли фестивалга ўтаётган кунларга тўғри келди. Ранг-баранг ипак матолар, зардўзлик, заргарлик махсулотлари, шарқона урф-одатларни намойиш этаётган фольклор дасталарининг чиқишларини, маҳобатли қадимий обидаларни кўриб, ҳамроҳларимга "Муъжизанинг ўзи-я!" деб юбордим.

Фестивалда Африка, Европа, Осиё, Шимолий Америка ва Тинч океани минтақаларидаги 38 та давлатдан 120 нафардан ортиқ хорижий меҳмонлар, жумладан, халқаро оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда. Унда 300 дан ортиқ маҳаллий хунармандлар ўз ижод намуналарини билан фаол катнашяпти.

Маданият вазирилик, "Хунарманд" уюшмаси, Туризм қўмитаси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестивал 17 май кунини ниҳоясига етади. Яқунда 12 та номиниция бўйича ғолиблар номи аниқланди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Ақмал МУҲАММАДОВ ойна суратлар.

РЕКЛАМА

### O'zbekiston davlat konservatoriyasi huzuridagi Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san'ati instituti

quyidagi kafedralar bo'yicha lavozimlarga tanlov o'lon qiladi:

- "Estrada xonandaligi" kafedrası — o'qituvchi (1), katta o'qituvchi (4), dotsent (1);
- "Estrada cholg'ularida ijrochilik va dirijyorlik" kafedrası — o'qituvchi (3), katta o'qituvchi (1), dotsent (2);
- "Fortepiano ijrochiligi" kafedrası — o'qituvchi (1), dotsent (1);
- "Musiqiy nazariy va tarixiy fanlar" kafedrası — o'qituvchi (1), dotsent (1);
- "Kompozitorlik va aranjirovka" kafedrası — o'qituvchi (2);
- "Musiqiy ovoz rejissyorligi" kafedrası — dotsent (1);
- "Ijtimoiy fanlar va dars berish metodikasi" kafedrası — o'qituvchi (1), katta o'qituvchi (1).

Tanlovda ishtirok etish uchun da'vogarlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:

- rektor nomiga ariza;
- xodimlar shaxsiy varaqasi;
- oliy ma'lumoti, ilmiy darajasi, ilmiy unvoni haqida diplom va attestatlarning nusxalari;
- o'quv-uslubiy, ilmiy tadqiqot va ilmiy-ijodiy ishlari ro'yxati;
- mutaxassislik bo'yicha oxirgi uch o'quv yilida malaka oshirganligi to'g'risidagi guvohnoma yoki sertifikat nusxasi.

Arizalar 10-iyun chiqqan kundan boshlab bir oy muddat ichida Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san'ati institutining xodimlar bo'limi tomonidan qabul qilinadi.

Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Botir Zokirov ko'chasi, 1-uy. O'zDK huzuridagi Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san'ati instituti.

Telefonlar: (97) 139-35-25, (90) 823-31-80.

### Анжуман

Ушбу нуфузли халқаро тадбир давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 29 апрелдаги тегишли қарорига мувофиқ уюштирилди. У халқ амалий санъати, хусусан, зардўзлик ва заргарлик соҳасини ривожлантириш, миллий хунармандчилик анъаналарини сақлаш ва кенг тарғиб этиш, шунингдек, халқаро маданий ҳамкорлини янги bosqichga олиб чиқишга ёрдам бераётир.

Биласиз, қадимий Бухоро азалдан Марказий Осиёнинг йирик маданий ва хунармандчилик марказларидан бири сифатида тан олинган. Бу ерда ипак гиламчилик, кулолчилик, кандакорлик, каштачилик, ёғоч уймакорлиги, қоғозгарлик, зардўзлик ва заргарлик каби халқ амалий санъати турлари юксак даражада ривожланган. Муҳаммад Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида ёзилишича, воҳода тўқилган зандончи матоси VI — VIII асрлардаёқ бутун дунёда машҳур бўлган. Фестиваль доирасида шу матонинг тарихи ва уни қайта тиклашга бағишланган илмий-амалий анжуман ҳам ўтказилаётир.

Зардўзлик ва заргарлик тарихи узок ўтмишга бориб тақалади, — дейди Ситорай Моҳи Хосса халқ амалий бекас санъати музейи илмий ходими Наргиза Жумаева. — Музейимизда бўлган кишининг эътибори қадимий зардўзлик буюмларига, жумладан, бутадор нақшли тўнга ту-



шиши тайин. Қўл меҳнати махсули саналган бу тўн XIX аср бошларида амир учун махсус тайёрланган. Хуқдор уни тантанали маросимларда кийган.

Мустиқиллик йилларида халқ амалий санъатининг унутилаёзган турларини қайта тиклаш, хунармандларнинг эмин-эркин ишлашлари йўлида амалга оширилган ишлар самараси бугун кўзга яққол ташланмоқда. 2022 йилда Бутунжаҳон хунармандлар кенгаши томонидан Бухорога "Бутунжаҳон хунармандчилик шаҳри" мақоми берилгани ҳам бежиз эмас.


Ўзбекистондаги жаннатмонанд юрт фарзанди эканимдан гурурланаман, — дейди зардўз Бахшулла Жумаев. — 500 нафардан зиёд шоғирдларим бор. Улар орасида хатто Япония, Польша, Италия, Франция фуқароларини уратиб мумкин. Шоғирдларим "Устоз" дея муурожаат қилганда гурурланиб кетаман. Ўзбекистон

## КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

### Комил Хоразмий девони

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳимоясида мумтоз адабиётимизнинг атоқли намоёндаларидан бири Комил Хоразмийнинг девони чоп этилди.

XVIII — XIX асрлар Хоразм адабий муҳитининг йирик вакили ҳисобланган ижодкор ўзидан салмоқли адабий мерос қолдирган. Ушбу нашрдан шoir девонининг қўлёзма ва тошбосма манбаларига киритилган ўзбек тилидаги назмий асарлари ўрин олди.



Девонда шoirнинг бугунги кунга қадар адабиёт муҳиблари ва илм аҳлига маълум бўлмаган қўлаб шеърлари жамланган. Шунингдек, унга аввалги нашрларда қисқартирилган, матни хатолар билан таъдир қилинган назмий асарлари аслигига мувофиқлаштирилган ҳолда қайта тайёрланиб киритилган. Зарурий ўринлар илмий изоҳлар билан таъминланиб, бугунги китобхон учун тушуналиши қийин сўзлар лугати тузилган.

Нашр кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

## Фидойи журналист хотираларда

Ўзбекистон журналистикасининг 1960 — 1990-йиллардаги ёрқин намоёндаларидан бири Аҳмаджон Мухторов ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган китоб нашр этилди.

"Аҳмаджон Мухторов замондошлар хотирасида — В воспоминаниях современников" номили ушбу китобдан кирқдан ортиқ муаллифларнинг фидойи журналистнинг ҳаёти, касбий йўли, ижтимоий фаолиги, матбуотдаги жасоратли чиқишлари, давр муаммоларига муносабати ҳамда шахсий фазилатлари ҳақидаги хотиралари жой олган. Мақолаларда собиқ иттифоннинг сўнги йиллари ва мустиқиллик арафасидаги мураккаб ижтимоий-маънавий жараёнлар фониде журналист касбининг масъулияти, сўз эркинлиги учун кураш, ҳақиқатга садоқат каби масалалар алоҳида ўрин тутди. Аҳмаджон Мухторов шахси орқали бир бутун давр матбуоти руҳи, журналист изтироблари ва умидлари ифодаланади.

Китоб журналистика тарихи билан қизиқувчи ўқувчиларга, тадқиқотчиларга, талабаларга, шунингдек, миллий матбуотнинг кечаги ва бугунги тақдирига бефарқ бўлмаган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА В ВОСПОМИНАНИЯХ СОВРЕМЕННОИКОВ

## «Эрк туркулари»

Шoir Насрулло Эргашнинг янги китоби шундай номланади.

Тўпламга киритилган аксарият шеърларда Ватанимиз истиқлолини асраш, мутлақ ҳур инсон гоёси, эзгулик учун кураш, оозд руҳнинг мухташам ва музаффар жанглари тараннум этилган.

Мазкур китоб ижодкор "Танланган асарлари"нинг биринчи жилди ҳисобланиб, у "Ijod nashri" нашриётининг "Қанот" лойиҳаси доирасида чоп этилган.

Асар ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

«Халқ сўзи».



НАСРУЛЛО ЭРГАШ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Дилором Файзиевага волидан мухтарамаси Ҳаёт ҚОДИРХЎЖАЕВАНнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Айни кунларда Тошкент шаҳри видеоўйинлар ва анимация sanoatini бирлаштирган Марказий Осиёдаги энг йирик тадбирлардан бири — «GameFest — 2026» халқаро фестивалига мезбонлик қилмоқда.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатда маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.

Газетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислום Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.  
Мусаҳҳих — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.47 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6